



2020 у. «14» август

№ Қ-382

« » 20 г.

**Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов массиви
“Исмоилтепа” маҳалласи худудидан
“BREAD SOUTH SURXON” МЧЖга енгил
конструкцияли лимончилик йўналишида
“Иссиқхона” қуриш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/456-сон йиғилиш баёни ва Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 26 июндаги 01-05/103-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/456-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов массиви “Исмоилтепа” маҳалласи худудидан “BREAD SOUTH SURXON” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 645қ-дала контуридаги тупрок унумдорлиги 43,0 балл бонитетли 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдонига енгил конструкцияли лимончилик йўналишида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “BREAD SOUTH SURXON” МЧЖ бошлиғи Э.Қобиловга:
ажратиб берилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратиб берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинishi кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари



Р.Пардаев